8. Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши қарорлари бўйича содир бўлган муҳим фактлар тўғрисидаги ахборотларни Умумий йиғилиш баённомаси имзолаганидан бошлаб икки иш кунда «Биржа» газетаси орқали матбуотда ва қимматли қозғаларни рўйхатга олувчи органларга тикилган, муҳрланган, шаруланган ҳолда қозғалар шаклда ҳамда электрон шаклда юбориш орқали ошқор қилинишини, шунингдек Қимматли қозғалар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Самарқанд вилоят бошқармаси томонидан 2010 йил 1 мартда 611 дона имтиёзли акциялари RU205H0122T5 рақам билан ва 90783 дона оддий акциялари RU105H0122T7 рақам билан рўйхатга олинган 91394 дона номинал қиймати 6760 сўмдан бўлган акциялари чиқарилуви тўғрисидаги қарори ҳамда эмиссия рисоласини ҳақиқий эмас, деб топиш юзасидан хўжалик судига ариза киритиш, қимматли қозғалар чиқарилуви бўйича таъсис хужжатларини ҳамда акциялар чиқарилуварини рўйхатга олиш бўйича ваколатли давлат органларида қайта рўйхатдан ўтказилишини узил-кесил якунига етказиш бўйича жамиятнинг ижроия органи раиси Д.Жураев ва бош ҳисобчи У.Кувановлар шахсан жавобгар эканлиги белгилансин.

Кузатув кенгаши.

«Фарғона нон» ОАЖ акциядорлари диққатига!

2011 йил 20 январь куни соат 10.00 да Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 95-уйда жойлашган жамият мажлислар залида «Фарғона нон» МЧЖ тузиш бўйича жамият таъсисчилари Умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

Кун тартиби қуйидагича:

1. «Фарғона нон» МЧЖ ташкил этиш.
2. «Фарғона нон» МЧЖ устав фондидини белгилаш ва таъсис хужжатларини тасдиқлаш.
3. «Фарғона нон» МЧЖ директорини тайинлаш.

Кузатув кенгаши.

«Авиасозлар деҳқон бозори»

ОАЖнинг муҳим факлари тўғрисида маълумот

Маълумот тартиб рақами – 10

Ўзгаришлар ўтказилган эмитентнинг бошқарув органи: ижроия органи.

Эмитентнинг бошқарув органига вақтинчалик сайланган шахс: Шерматов Мир-хомид Мирсағатович.

Эмитентнинг бошқарув органига ваколати тўхтатилган шахс: Кендирбаев Дамир Киличбаевич.

Кўрсатилган ўзгаришлар ўтказган орган, наси: Кузатув кенгаши қарори, 2011 йил 10 январь.

Барқарор ривожланиш омиллари

Масалан, давлатимиз раҳбари томонидан 2009 йилнинг декабрида белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари, жумладан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф этиш чораларининг амалга оширилиши ҳамда модернизациялаш, диверсификациялашган ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришга йўналтирилган комплекс дастурлар қабул қилиниши Самарқанд вилоятида ҳам иқтисодиётнинг юқори суръатларда барқарор ўсишини таъминлади.

2010 йилги Давлат бюджетини тасдиқлаш жараёнида иқтисодиётга ва аҳоли даромадларига нисбатан солиқ юкини сезиларли даражада пасайтириш бўйича бир қатор чоратадбирлар амалга оширилган эди. Масалан, фойда солиғининг ставкаси 10 фоиздан 9 фоизга, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилди. Аммо ставкалар пасайтирилган бўлса-да, фойда солиғи бўйича тушум вилоятимизда 31,1 фоизга, ягона солиқ бўйича эса 37,1 фоизга кўпайди. Ушбу солиқ ставкаларининг пасайтирилиши натижасида эса корхоналар ихтиёрида кўшимча 3 миллиард 940 млн. сўмлик маблағ қолди. Шунингдек, 2010 йилнинг 1 январидан жисмоний шахслардан олинган даромад солиғининг биринчи шкаласи 1 фоизга пасайтирилишига қарамадан, мазкур солиқ тури бўйича бюджет даромадлари 2009 йилга нисбатан 27,8 фоизга кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1449-сонли қароридан 2011 йилда солиқ тизимини янада такомиллаштириш, корхоналарга ва жисмоний шахсларга солиқ юкини пасайтириш, табиий ресурслардан самарали фойдаланишни рағбатлантириш ва солиқ маъмурчилигини янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар кўзда тутилган. Бунга мувофиқ, биринчидан,

жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ставкалари биринчи ва иккинчи шкалалар бўйича 1 фоизга пасайтирилди. Натижада солиқ тўловчиларнинг даромадлари кўшимча равишда қарийб 7 млрд. сўмга кўпайди. Иккинчидан, кичик бизнес ва микрофирмаларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг молиявий барқарорлигини мустақамлаш мақсадида 2011 йилнинг 1 январидан ягона



солиқ тўлови ставкаси 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилди. Бунинг ҳисобига микрофирма ва кичик корхоналар ихтиёрида 3 млрд. 240 млн. сўмдан ортиқ кўшимча маблағлар қолиши кўзда тутилмоқда. Бинобарин, ушбу корхоналарнинг ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги иш ўринларини яратиш имкониятлари янада ошади.

Этиборлиси шундаки, охириги 6 йил давомида ягона солиқ тўлови ставкасининг 15 фоиздан 6 фоизгача пасайтирилишига қарамадан, ушбу солиқ тури бўйича бюджетга тушумлар миқдори барқарор ошиб келмоқда. Бунинг асосий сабаби, кичик бизнеснинг кенг

тармоқ отиб, ялпи ички маҳсулотни яратишдаги салмоғининг ошиб бораётганидир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда олиб борилган оқилонга солиқ-бюджет сиёсати туфайли Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилган харажатлар учун мустақам ва ишончли даромадлар манбаи шаклланиб борганлиги этиборга лойиқ ҳолдир. Бу эса, ўз навбатида аҳоли даромадларини янада ошириш, таълим, соғлиқни сақлаш ва шу каби ижтимоий соҳа тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун кўшимча имкониятларни вуждуга келтирмоқда.

Таълим тизимини молиялаштириш ҳақида гапирганда, Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш

чиқишига имконият яратишга, зарур ҳолларда ўқув устaxonалари ва лабораториялар қуриш орқали ўқув биноларини кенгайтириш, спортзаллар ва бошқа инфратузилма объектларини барпо этишга йўналтирилганлиги билан алоҳида ибратлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, янги тузилган жамғарманинг доимий ва аниқ молиявий манбалари белгилаб қўйилган.

Шунингдек, 2011 йил 1 январдан бошлаб олди-сотди фаолиятини амалга оширувчи хўжалик субъектлари учун солиқ солишининг ягона тартибини белгилаш мақсадида, таъминот-тарқатиш корхоналари ҳам улгуржи савдо корхоналари каби товар айланмаларидан 5 фоиз миқдоридан ягона солиқ тўловини тўлашга этишга йўналтирилганлиги таъминот-тарқатиш корхоналари ягона солиқ тўловини 33 фоизлик ставкада, улгуржи савдо корхоналари эса 5 фоизлик ставкада тўлаб келаётган эди. Қолаверса, бир вақтнинг ўзида ушбу корхоналарни қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли лицензияни олиб улгуржи савдо корхонаси сифатида қайта рўйхатдан ўтказиш белгиланди.

Кичик корхона ва микрофирмалар эса ягона солиқ тўловини тасдиқланган ставкалар бўйича тўлашлари, лекин бунда, мазкур тўловлар улар эгаллаб турган ер майдонидан ҳисобланадиган ер солиғи миқдорининг 3 баробаридан кам бўлмаган миқдорда тўланиши тартиби жорий этилди. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар (кичик корхона ва микрофирмалардан ташқари) томонидан эскирган асбоб-ускуналар фойдали иш муддатидан ортиқча ишлатилганлиги учун уларга нисбатан асбоб-ускуналар бошланғич (тиклаш) қийматининг 0,25 фоизи миқдоридан тўлов тўлаш жорий этилди.

Кўриниб турибдики, солиқ сиёсати йил сайин такомиллашиб ва соддалашиб бораётир. Ушбу такомиллашувнинг замирида эса, мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришга, солиқ юкини босқичма-босқич камайтириб бориш эвазига аҳолининг реал даромадларини тобора ошириб боришга эришиш ётибди. Ўрни келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, ҳали ҳам кўпгина ривожланган мамлакатларда, масалан, фойда солиғи ставкаси 26,5 фоиздан бошлаб 46,0 фоизни ташкил этади. Мана шу ва шунга ўхшаш бошқа мисоллар давлатимиз солиқ сиёсатининг тобора халқпарвар, инсонпарварлик аҳамият касб этиб бораётганидан далолатдир.

Шухрат ЖАМОЛОВ,
Халқ депутатлари Самарқанд вилояти
Кенгаши комиссияси раиси,
вилоят Давлат солиқ бошқармаси
бошлиғининг биринчи ўринбосари.

Мақсад – маҳаллий маҳсулотни кўпайтириш

Давоми. Боши 1-бетда.

Шу билан бирга унда қайд этилганидек, ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлганлик даражасини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун охириги икки ҳисобот йили бўйича статистик маълумотлардан фойдаланилади. Агар бу даврдаги маълумотлар мавжуд бўлмаса, охириги 6 ойлик статистика қабул қилинади. Таҳлилларга қараганда, товар бозорининг жами ҳажмида республикамизда ишлаб чиқарилган товарларнинг ҳиссаси 80 фоиздан кўп бўлса, ушбу бозор маҳаллий товар билан тўлган ҳисобланади. Агар ушбу фоиздан кам ҳолат кузатилса, демек ички бозорни ўз маҳсулотларимиз билан таъминлаш чораларини қуриш керак бўлади.

Низомда яна шу нарса қайд этилганки, ички бозорнинг маҳаллий товарлар билан тўлганлик даражасини аниқлаш мақсадида тегишли органга мурожаат қилинганда, 10 кундан кейин керакли маълумотлар тақдим этилиши зарур. Бу жараёнда, масалан Давлат статистика қўмитаси томонидан товар ишлаб чиқарувчи корхоналар рўйхати, ишлаб чиқаришнинг ялпи ҳажми, товарларнинг экспорти ва импорти ҳақидаги, Давлат божхона қўмитаси томонидан товар импорти ва экспорти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати топширилади. Хўжалик юритувчи субъектлардан эса ишлаб чиқариш қуввати, товарни юклаб жўнатиш, экспорт ҳажми хусусидаги маълумотлар олинади. Мазкур маълумотлар барчасини ўрганиш натижасида келиб чиқадиган хулоса рақобат муҳити, монополаштириш ва ички бозорнинг маҳаллий товарлар билан тўлганлик даражасини белгилайди.

Кўзланган мақсад – истеъмолчиларнинг биринчи навбатда энг зарур, сифатли ҳамда экспортбон маҳсулотларга бўлган талабини қондириш, корхоналар ўртасидаги кооперация алоқаларини кенгайтириш, улар фаолиятини янада ривожлантириш, табиийки, бутун иқтисодиётни юксалтиришга қаратилган. Энг асосийси, омборда қолиб кетадиган товарларни ишлаб чиқаришга кетадиган харажатлар ёки чет элдан келтириладиган маҳсулот учун валюта маблағи тежамкорлигига эришилади.

Чинни ўрнига этил спирти

Тўлқин (исм-шарифлар ўзгартирилган) асли сурхондарёлик. Тошкентга пул топанман, оила боқаман деб келган. Бир оз пули ҳам бор. Аммо “Чилонзор” буюм бозоридан нима олиб кетишга боши қотган. Бозорни бир неча маротаба айланди ҳамки, жўяли фикр чиқмади, тайинли нарса топилмади. Кийим-кечак олиб борайми ёки косатовоқ...

Ўйлиниб турганида ёнига Бегзод келди ва ўзининг маҳсулотини таклиф қилди. Этил спиртининг фойдаси катта, қонунга хилоф бўлса ҳам бир амаллаб Сурхондарёга олиб борсам бўлди, бойиб кетаман, деган фикр Тўлқиннинг тинчини бузди. Э, бир гап бўларда, деб 1,25 литр ҳажмдаги 279 донна елим идишдаги этил спиртини 10 000 сўмдан, жами 2 790 000 сўмга сотиб олди. Жиноятини беркитиш мақсадида маҳсулотларни чинни буюмлар кутисига жойлаштирди.

Термизга кетадиган автобус ҳайдовчиси билан гаплашиб, молни юкхонага жойлади. Лекин Тўлқиннинг жиноий ҳаракати Тошкентдан чиқмасдан ўз якунига етди. “Эркин” ИПХ постидаги текширув унинг бор режаларини



барбод қилди, хуфиёна “бизнес”ини ошкор қилди.

3 нафар фарзандини ўйламасдан, қонунга хилоф ишга бош суққан Тўлқин Мусаев қилган қинғир иши учун Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор, деб топилди.

Саидакбар АБДУҚОДИРОВ,
Бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛҚ
Департаменти Чилонзор туман инспектори.

Ватан, садоқат ва бурч



Хурматли Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригида айтган ушбу сўзлари ҳар биримизни огоҳликка чақирсада, яна дилларимизга таскинлик, шукроналик беради. Сабаби, жаннатмакон ўлкамизда энг буюк неъмат – тинчлик, тинч ва осуда ҳаёт, фаровонлик ҳукмрон. Қарда тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатлик бўлса, ўша ерда ривожланиш, тараққиёт бўлади. Мустақил Ўзбекистоннинг энг катта ютуғи ҳам ана шу тинчликни сақлаб туришида. Жамиятимиздаги барқарорлик боис, юртимиз равнақи йўлида кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш, ҳуқуқий демократик жамият барпо этишдек эзгу ниятларимизни рўйга чиқариш борасида улкан бунёдкорлик, яратувчанлик ишларини амалга оширмоқдамиз.

Ютуқларимиз замирида юртимиздаги тинчлик, осойишталик катта аҳамият касб этаётганлигини етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ҳар бир фуқаро юракдан ҳис этмоқда.

Шундай дамларда беихтиёр она-Ватанимиз хавфсизлиги, юртимиз тинчлиги, ҳалқимиз осойишталигини таъминлаётган, унинг мустақам кафолати бўлаётган Қуролли Кучларимиз сафида ўзининг конституциявий бурчини бажараётган миллий армиямиз сафидаги фуқароларимиз меҳнатига тасаннолар айтгин келади. Юртимиз тинчлиги, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида, осмонимиз мусафоллигини кўз қорачиғидек асрашда армиямиз ва Қуролли Кучларнинг ҳиссаси каттадир. Юртимиз посбонлари ҳақида сўз борар экан, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида амалга оширилган тарихий воқеа хотирада қайта гавдаланади. Маълумингизким, 1992 йилнинг 14 январида мустақил Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва бўлинмаларнинг мамлакатимиз тасарруфига ўтказилиши юртимиз аҳолиси тинчлиги ҳамда истиқлолимизни мустаҳкамлаш йўлида буюк воқеа бўлган эди. Шу боис ҳам 1993 йилдан буён ушбу сана мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни сифатида кенг нишонланиб келинмоқда.

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда давр талаби ва жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган Қуролли Кучларни барпо этиш, мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, барқарор ва изчил демократик тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Мамлакатимиз Конституциясида Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб қўйилган, Қуролли Кучларимиз Ўзбекистон суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, республикамиз аҳолисининг осуда ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш учун ташкил этилгани таъкидланган. “Мудофаа тўғрисида” ва “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонунлар Қуролли Кучларимиз ташкилий асосларини ўзида мужассам этган.

Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурга мувофиқ амалга оширилган кенг кўламли ишлар барча замонавий талабларга жавоб берадиган миллий армиямизни шакллантириш ва бошқарушнинг сифат жиҳатдан мутлақо янги тизимига ўтиш имконини берди. Қисқа вақт ичида ҳарбий округлар, чегара ҳудудлари ва махсус операцияларга ихтисослаштирилган қисмлар тузилди. Миллий армиямизни босқичма-босқич ва тизимли равишда шакллантиришда аввало мамлакатимизнинг минтақада ва дунёда тутган геостратегик ва геосийсий ўрнини, хавфсизлигимизга қарши қаратилган

жиддий таҳдид ва хатарларни, айниқса, халқаро терроризм, экстремизм, наркоагрессия, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши каби бало-қазолар ҳисобга олинган ҳолда иш тутилди.

Бугунги кунда миллий армиямиз жаҳон ҳарбий қурилишининг энг илғор тажрибаларини ўзида мужассам этган бўлиб, айна пайтда миллий жанговар аъналаримизни юксак садоқат билан давом эттирмоқда...

“Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта – февраль-март ойларида чақириш белгиланди. Шунингдек, муддатли ҳарбий хизматдаги, сафарбарлик чақируви захирасидаги ёшларни ҳар томонлама камол топтиришга, уларда Она-юртнинг метин қалқони бўлиш учун ҳамisha шай туришга асосланган мукамал характери, дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган маънавий-ахлоқий ва тарғибот ишларининг самарадорлигини янада ошириш кўзда тутилган.

Юртимизда муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини такомиллаштириш бўйича ўтказилаётган ислохотлар Қуролли Кучларимизни чақирилувчилар билан тўлдиришни сифат жиҳатдан яхшилаш имконини бераётгани, уларнинг жисмоний ва интеллектуал ривожланиш даражаси сезиларли даражада ошгани, аҳоли орасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори тубдан ўсгани нафақат мамлакатимизда, хорижда ҳам кенг эътироф этилмоқда.

Бу борада ҳарбий хизматчиларга берилаётган эътибор ва яратилаётган имтиёзлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 31 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имти-

ёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан армияда йигитлик бурчини ўтаб, қўмондонликнинг тегишли тавсиясига эга бўлган ёшларга олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдориди қўшимча балл берилади...

Олий ҳарбий билим юртларида кадрлар тайёрлаш тизими изчил такомиллаштирилмоқда. Тошкент умумқўшин, Чирчиқ танк ва Самарқанд автомобиль олий ҳарбий қўмондонлик билим юртлари кўп тармоқли таълим масканларига айлантирилди. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти ташкил этилди. Тошкент ахборот технологиялари университетида алоқачи-офицерлар тайёрлайдиган махсус факультет очилди. 1995 йилда Марказий Осиёдаги дастлабки Қуролли Кучлар академияси ташкил этилди. Ахборот технологиялари ва моделлаштириш услубларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг янги шакллари жорий этилди. Ташкилотчилик кўникмаларига эга, билимдон, мустақил ҳаракат қиладиган ва ҳар қандай шaroитда тўғри қарорлар қабул қилишга қодир юқори малакали офицер-мутахассисларни тайёрлашга қаратилган ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактабларида соҳанинг барча бўғинлари учун юксак маънавий-ахлоқий ва етакчилик фазилатларига эга, интеллектуал салоҳияти юқори кичик командирлар тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Қуролли Кучларида уч босқичли танлов ўтказиш яхши аънага айланган. Қуролли Кучларимизда энг илғор қўшилма, сержантлар тайёрлаш мактаби, олий ҳарбий билим юртини аниқлаш бўйича ўтказилаётган танловлар ҳарбий хизматчиларнинг касб малакаси, жанговар шайлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ватан мустақиллигини, унинг хавфсизлигини ва барқарорлигини таъминлаш энг масъулиятли ва муҳим масалалардан биридир. Ватан дея аталмиш Ўзбекистонимизда халқимизнинг тинч, фаровон ҳаётини таъминлаш ва ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Боз устига, Ватанга хизмат қилиш, эл-юрт равнақи йўлида ёниб ушаш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир. Муҳтарам Президентимизнинг таъбири билан айтганда, “Биз шунга эришмоғимиз керакки, ҳарбий хизмат сўзда эмас, балки амалда фарзандларимизнинг, ёшларимизнинг нуфузли иши, шоншараф иши бўлмоғи лозим”.

Ўз мухбиримиз.

Байрамга тухфа

Қашқадарё вилоятининг Муборак тумани ҳудудидаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида Янги йил байрами арафасида замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган 12 та объект фойдаланишга топширилди.

Туман аҳолиси эндиликда яна 1 та маиший хизмат кўрсатиш мажмуасидан фойдаланиш имконига эга бўлди. Бундан ташқари, фойдаланишга топширилган янги тикув цехида ҳам бир неча ёш иш билан таъминланди. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ва тикув цехида фуқаролар буюртмасига асосан иш олиб борилмоқда.

Якка тартибдаги тадбиркор Ақрам Акбаров раҳбарлик

қилаётган “Занжирсарой” кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонаси Янги йил байрами арафасида Муборак шаҳрининг марказида замонавий лойиҳа асосида сотувчи ва харидор учун ҳар томонлама қулай 10 та дўконни ўзида мужассам этган савдо мажмуасини ишга туширди.

Корхона маблағи ҳисобидан бунёд этилган савдо мажмуасидаги дўконларда ҳозирги кунда яхна ичимликлар, кийим-кечак, уй-рўзғор буюмлари, хўжалик моллари, қишлоқ хўжалик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари сотилмоқда. Энг асосийси, савдо мажмуасидаги дўконларда пластик карточкаларда ҳам маҳсулотлар сотилаётгани харидорларга қўл келмоқда.

Ақром ИСКАНДАРОВ,
Қашқадарё вилояти.

Биржа Эксперт

«Биржа-Эксперт» иқтисодий, илмий-амалий журналига обунда давом этмоқда!

ИМНОНИЯТНИ ҚўЛДАН БОЙ БЕРМАНГ!

Телефонлар:
259-22-06,
259-20-71.
Факс:
239-83-79,
239-83-89.

Тоза ичимлик суви – соғлиқ гарови

30

2007

3

«

» 553

« »

Мазкур корхона бутун Термиз шаҳри аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашга ихтисослаштирилган. Унинг тасарруфига асосан “Мангузар” ва “Шимолий” сув ҳавзалари ҳамда 4- ва 5-кичик даҳа ҳамда ҳарбийлар шаҳарчасидаги сув узатиш станциялари, 18 та алоҳида ер ости сув чиқариш кудуқлари, тозалаш иншоотлари қиради.

Корхона томонидан 2010–2011 йил қиш мавсумини яхши ўтказиш мақсадида ички имкониятлари ҳисобидан ер ости кудуқ насослари ҳамда 2,5 километрли қувур жорий таъмирланди. 3 километрга янги сув қувури ётқизилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2009 йил 20 мартдаги Осиё тараққиёт банки иштирокида “Сурхондарё вилоятининг сув таъминоти ва санитарияси лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 79-сонли қарорига биноан Термиз шаҳар ҳудудидидаги маҳаллаларда 82,9 километр тоза ичимлик суви ва 57,5 километр оқова тармоқларини қуриш, алмаштириш, 24,5 километр сув қувурларини реконструкция қилиш режалаштирилди. Шу эзгу мақсадлар йўлида корхонага Осиё тараққиёт банки кредити маблағи ҳисобидан 1 та “Дамас” автомашинаси, 1 та автокран ва 1 та хорижда ишлаб чиқарилган экскаватор, мебель жиҳозлари, янги пайвандлаш аппарати, компьютер келти-

рилди. Кўплаб янги шу ўринлари яратилди.

Таъмирлаш ва реконструкция ишларини бошлашдан олдин шаҳар аҳолиси ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилиб, ичимлик сувидан тежаб фойдаланиш тарғиб этилмоқда. Шу кунга қадар кўп хонадонли уйларга 5710 та, яқка тартибдаги уйларга 1290 та совуқ сув жиҳозлари ўрнатилди. Тарғибот ва ташвиқот ишларидан тегишли хулоса чиқараётган шаҳар аҳолиси ичимлик сувини иқтисод қилишни ҳамда молиявий сармояни тежалишини тушуниб етмоқда.

“Сувоқова” ИЧКнинг лаборатория бўлими бошлиғи Нина Тибекина, тозалаш иншооти бошлиғи Рустам Аминов, 5-кичик даҳа машинисти Тоир Исанов, Мангузар сув ҳавзаси машинисти Малик Эсанов, 4-даҳа машинисти Соҳиб Болтаев, ҳарбийлар шаҳарчаси машинисти З.Раҳмонов каби ўнлаб ишчиларнинг бетиним меҳнати билан бугун термизликларнинг ичимлик сувида бўлган эҳтиёжлари қондирилмоқда.

Бу борада деновликлар ҳам пешқадам. Туман “Оқова” сув ишлаб чиқариш ва сотиш унитар корхонаси раҳбари Абдумалик Эшнӣёзовнинг бизга сўзлаб беришича, мазкур корхона Денов шаҳрининг 75 минг аҳолисини, туман ва қишлоқ аҳолисининг 86 фоизини тоза ичимлик суви билан таъминлаб келади.

– Корхонамизда 75 нафар ишчи ва хизматчи меҳнат қилади. Қиш мавсумида шаҳар аҳолисини мунтазам тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 67 километр ички сув қувурлари таъмирланди. 2,5 километр янги сув қувури ётқизилди. 5037 та хонадоннинг 686 тасига Хитойнинг “China Nationa Impoti Export Corporation” корпорацияси билан тузилган шартнома асосида “Ўзкоммунхизмат” агентлиги ҳамкорлигида янги, замон талабига мос келадиган сув ҳисоблагич мосламалари ўрнатдик, – дейди корхона раҳбари Абдумалик Эшнӣёзов. – Ютуқларимиз ўзимизники, лекин узоқ йиллардан буён тўпланиб қолган муаммоларимиз оғриқ нуқталаримиз ҳисобланади. 1956 йилда қурилган 300 000 метр куб сув минора омборимиз капитал таъмирга муҳтож. Катта ҳажмдаги сув қувурлари янгиланишни талаб этмоқда. Шаҳардаги 24 километрлик канализация қувурлари яроқсиз ҳолга келиб қолган.

Жамоада мазкур муаммолар ечимига қаратилган режалар ишлаб чиқилиб, уни барта- раф этишда босқичма-босқич чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,
журналист.

«Ҳаракатда баракат»

40



Республикада газ саноати соҳасида муносиб ўрин тутиб келаётган Муборак газни қайта ишлаш заводида узлуксиз электр токи ва юқори босимда буғ етказиб бераётган мазкур корхонада инқирозга қарши кураш дастури ижросини таъминлаш, ортиқча сарф-харажатларга чек қўйиш, мавжуд техник асбоб-ускуналарни асраб-авайлаб, улардан самарали фойдаланиш, корхона фаолиятини кенгайтириш эвазига янги иш ўринларини яратиш каби қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, корхона цехларидаги электр ёриткичлар кўздан кечирилиб, кераксиз жойлардаги юқори кучлишли электр ёриткичлар оддий ёриткичларга алмаштирилди. Ҳаёт манбаи бўлган сувдан ҳам оқилонга фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида зарур бўлмаган жойларга қўйилган ортиқча сув жўмраклари олиб ташланди. Бунинг эвазига эса меъёрдан ортиқча сувни исроф қилинишига чек қўйишга, сувдан самарали фойдаланиш ва иқтисод қилишга муваффақ бўлинди.

Корхонада сувни филтр орқали ўтказиб, буғлаштириш йўли билан ичимлик суви ҳолига келтиришнинг йўлга қўйилиши корхона жамоасининг қўлга киритган энг катта иқтисодий ютуғи бўлди. Бундан ташқари сарф этиладиган маблағнинг бир қисми корхона ихтиёрида қолмоқда.

Корхона маъмурияти яна қўшимча равишда махсус насослар орқали ер ости сувларидан ичимлик суви ҳосил қилиб, корхона ва туман аҳолисини тўлиқ ичимлик суви билан таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Шунингдек, корхона ҳудудида ташкил этилган 10 сотихдан ортиқ майдондаги иссиқхонада озиқ-овқат маҳсулотлари

етиштирилмоқда. Корхонада инкубаторлар ёрдамида очирилган уч юзга яқин жўжа, ишчи-ходимларнинг ихтиёри билан йиғилган маблағ ҳисобидан сотиб олинган 4 та зотдор йирик шоҳли қорамол, 30 та кўён парвариш қилинмоқда. Тумандаги Б.Саидов номли фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудидан ажратиб берилган 10 гектар ер майдонида етиштирилаётган турли мевалар, узумлар корхона ходимларининг дастурхонига тортиқ этилмоқда.

Юксак мақсадларни кўзлаб иш олиб бораётган корхона жамоаси келгусида ҳам ўз фаолиятларини янада яхшилаш ва ривожлантириш борасидаги изланишларини, ҳаракатларини давом эттираверадилар. Халқимиз “Ҳаракатда баракат” деб бежиз айтмаган.

Акрам ИСКАНДАРОВ,
Қашқадарё вилояти.

Тола сифати яхшиланмоқда

«2

»

»

■ Баҳодир ЭРГАШЕВ, «Биржа»

– Жамоамиз 2010 йилни яхши натижалар билан якунлаб, янги – “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”да улкан режалар билан кўтаринки руҳда меҳнат қилмоқда, – дейди корхона режалаштириш бўлимининг бошлиғи Шохсанам Ўринова. – Ўтган йили Учкўприк ва Бувайда туманлари фермер-деҳқонларидан 30 256 тонна пахта қабул қилиб олинди. Турли навдаги пахта хом ашёси етти тайёрлов пунктлари орқали заводга етказиб берилмоқда.

Хом ашёни қайта ишлашда технология талабларига қатъий амал қилинаётганлиги туфайли тола сифати муттасил яхшиланиб бормоқда. Корхонада пахтадан тола, момиқ, чигит ва бошқа маҳсулотлар олиш топшириқлари ошириб бажарилмоқда.

Ишчи ва мутахассислар “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”ни янги режалар билан кутиб олиб, ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланиш, сифат ва самарадорликни ошириш, ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймаслик, самарадорликни юксалтириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бу соҳада Абдумутал Қодиров бошчилигидаги смена ишчилари бошқаларга ибрат бўлишаётир. Шу сменада ишловчи Муҳаммаджон Усмонов бошлиқ бригада сифатли тола ишлаб чиқаришда ибрат кўрсатганлиги учун 80 минг сўм мукофот пули билан тақдирланди. Прессловчи Музаффар Жумабоев, чилангар Дилшод Маҳмудов, электрчи Бахтиёр Раҳмоновлар ҳам ўз ҳамкасбларига ибрат бўлмоқдалар.

“2-пахта тозалаш заводи”да ишлаб чиқариш илғорлари билан бирга меҳнат фах-



рийларини эъозлаш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида этибор қаратилмоқда. Ишчилар сулоласи қарор топмоқда. Бу соҳада бир вақтлар корхонада фидойилик билан меҳнат қилган Худойберди Эгамбердиевлар сулоласига ҳамма ҳавас қилади.

Бугунги кунда Абдуваҳоб Эгамбердиев корхонанинг ёрдамчи хўжалигига раҳбарлик қилиб, жамоа ошхонаси, ишчи ва хизматчиларни арзон чорва маҳсулотлари билан таъминлашда жонбозлик кўрсатмоқда. 400 бошга яқин кўй бўрдоқига боқилаётган бу хўжалик пахтани қайта ишловчилар учун тўкин дастурхон ва мўл-кўлчилик яратмоқдалар. Корхонада Мунаввархон Исаева, Ҳасан, Ғайрат ва Абдужалил сингари Худойберди отанинг фарзанд ва набиралари ҳам Эгамбердиевлар сулоласи аъналарини муносиб давом эттирмоқдалар.

Қисқа сатрларда

1,5

Azyasik

250

2011
31

187

Бу ўтган йилдагига нисбатан 30 фоизга кўп, демакдир. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида бу ерда 4500 тонна поливинилхлоридли ва 400 тоннага яқин полиэтилен қувурлар, 380 минг тонна олтингургурт кислотаси ишлаб чиқарилиши режалаштирилган.

Бунинг учун дастлаб 180 млн. сўмлик таъмирлаш ишлари олиб борилиб, қиймати 290 минг долларлик замонавий ускуналар ўрнатилди. Мазкур корхонани малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида 50 нафардан зиёд ёшлар Хоразм вилоятидаги “Хоразм ипаги” МЧЖ ҳамда Наманган вилоятидаги Golden Silk корхонасида амалий машғулот ўтказдилар.

Булар Тошкент ва Фарғона вилоятларида жойлашган, устав фонди 104 млн. сўмлик Toshkent Farovon-Kredit ҳамда устав фонди 107 млн. сўм бўлган UNI Capital Invest кредит уюшмаларидир. Ушбу нобанк муассасалари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бизнес-лойиҳалари молиялаштирилади ва уларга лизинг хизматлари кўрсатилади.

Шундай қилиб, республикада фаолият юритаётган кредит уюшмаларининг жами сони 116 тага етди.

Ўз мухбиримиз.



«Fiat» иккига ажралмоқда

«Fiat»

Компанияни икки қисмга ажратишдан кўзланган асосий мақсад – енгил автомашиналар ишлаб чиқариш соҳасини янада ривожлантириш ҳамда бошқа компаниялар билан алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат. Сўнгги ўзгариш «Fiat»нинг фонд бозоридаги ҳолатига ижобий таъсир кўрсатди. Ташкил топган «Fiat avto» ва «Fiat industri» компанияларининг акциялари баҳоси аввалги «Fiat» концерни баҳосига қараганда бироз кўтарилди. Сержио Маркионенинг ҳисоб-китобига кўра, автомашина ишлаб чиқаришни йилига 6 миллион донага етказиш орқали «Fiat avto» 2014 йилда 64 миллиард евро даромад олади.



«Fiat industri»нинг даромадлари эса бундан икки карра кам бўлади. Бундан ташқари келгусида «Fiat avto» «Ferrari» акцияларини биржага жойлаштириш ҳамда эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқарувчи «Monetti Morrelli» компаниясини сотиш орқали ҳам қўшимча даромад топиши мумкин. Мутахассисларнинг фикрига кўра, халқаро рақобатга дош бериши учун «Fiat» яқин вақт ичида ишлаб чиқаришга инвестиция киритишни кучайтириши лозим. Бундан ташқари компания раҳбарияти «Fiat»нинг «Krayster» акцияларидаги улушини ҳозирги 20 фоиздан 51 фоизга етказишни мўлжалламоқда.

Ем таркибида диоксин моддаси

Германия ОАВнинг хабарига қараганда, ҳаммаси бўлиб 3 минг тонна шундай ем тайёрланган. Текширувлар заҳарли диоксин маҳсулотга биодизель ёнилғиси олингандан сўнг қолган моддаларнинг аралаштирилиши оқибатида пайдо бўлганини кўрсатди. Германия қишлоқ хўжалик вазири Илзе Айгнернинг таъкидлашича, айти чўғда ишлаб чиқарувчилар ҳам, истеъмолчилар ҳам бу масалада аниқ маълумотларга эҳтиёж сезмоқда. «Галдаги муҳим масала бозорларни ва озиқ-овқат дўконларини ушбу заҳарли маҳсулотдан тозалашдир», дейди Илзе Айгнер. Юзага келган ҳолат ҳозир прокуратура идоралари томонидан текширилмоқда.

Маълум бўлишича, товуклар учун мўлжалланган бундай маҳсулотни «Halis Onder Yensh» компанияси ишлаб чиқарган экан. Компания вакилларининг сўзларига кўра, улар биоёнилғи олишда қўлланилган маҳсулотлар таркибида заҳарли модда борлигини умуман билишмаган. Ушбу можародан сўнг мамлакатда тухум савдоси кескин пасайди. Чунки, одамлар унинг таркибида заҳарли модда бўлиши мумкинлигидан чўчишмоқда. Лекин, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш маркази мутахассислари фуқароларни биологик тоза маҳсулотлардан фойдаланувчи фирма ва компанияларнинг маҳсулотини ҳадиксирасадан сотиб олишга чақирмоқда.

Германиялик мутахассисларнинг фикрига кўра, бундай озукадан фойдаланилган фермаларда етиштирилган тухум Англияга ҳам экспорт қилинган. Энди товук гўшти ва тухумдан ташқари, бозорлар ва савдо дўконларидан майонез ва шунга ўхшаш маҳсулотлар ҳам йиғиштириб олинади. Айти чўғда прокуратура ходимлари заҳарли модданинг қандай қилиб товуклар учун мўлжалланган озукга маҳсулотлари таркибига қўшилиб қолганини аниқлашмоқда. Хавфли озук нафақат паррандачилик фермалари, балки чўчқачилик фермаларига ҳам тарқатилган. Шу боис уларни ҳам ёпишга тўғри келмоқда. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти диоксинни инсон организми учун энг хавфли бўлган органик воситалар сирасига киритган.

Иқтисодий ўсиш кутилгандан паст

Маълумотларга қараганда, ўтган йилнинг учинчи чорагида иқтисодий ўсиш иккинчи чорадагига қараганда бор-йўғи 0,3 фоиз юқори бўлган. Еврозона мамлакатларининг йиллик ялпи ички маҳсулот ҳажми 1,9 фоизга ортанлиги тахмин қилинмоқда. Ишсизлик даражаси эса ҳамон юқориликча қолмоқда. Ноябрь ойи сўнггида Еврозона доирасида ишсизлик даражаси 10 фоиздан юқори бўлган.

Хулоса эълон қилинди

«British Petroleum»
«Hali Berton»
«Trans Oushen»

Америка Қўшма Штатлари Президенти Барак Обаманинг кўрсатмасига биноан ташкил этилган комиссиянинг хулосасида қайд этилишича, Мексика кўрфазида иш олиб борган уччала компания ҳам экологияга зарар етказиш ҳисобига маблағларни тежаб қолган. Мутахассислар бундай экологик ҳалокатнинг такрорланиши мумкинлигини таъкидлашмоқда. Уларнинг фикрича, нефть қазиб олиш саноатига алоқадор барча компанияларнинг ўз фойдасини кўзлаши яна шундай ҳодисаларга сабаб бўлиши турган гап. «Менимча, ҳар уччала компания бундан аввал ҳам шу каби муаммоларга дуч келган. Демак, бу муаммо масала нефть саноатининг барча тармоқларига алоқадор», дейди экспертлардан бири. Махсус комиссия баёнотидан сўнг фонд биржаларида ўтказилган савдолар чоғида «British Petroleum» акциялари баҳоси бирмунча кўтарилди. «British Petroleum» экологик ҳалокат юзасидан жавобгарлик нефть қазиб олиш жараёнида иштирок этган бошқа компаниялар зиммасига ҳам бирдек юклатилиши лозимлигини билдирган. Эндиликда комиссия хулосасига биноан экологик ҳалокат оқибатларини бартараф этиш жавобгарлиги «British Petroleum», «Hali Berton» ва «Trans Oushen» компаниялари зиммасига юклатилади ва уларга молиявий жарима солинади. Ўз навбатида ушбу хабар «British Petroleum» инвесторларининг жонланишига сабаб бўлди.

Евро курси пасаймоқда

17

03
33



Янги йилдан еврозонага Болтиқбўйи мамлакатларидан бири Эстония ҳам расман қўшилган. Иқтисодий таҳлилчиларнинг фикрига кўра, евро курсининг пасайиши еврозонага Эстониянинг қўшилиши билан боғлиқ эмас. Эстония барқарор иқтисодиётга эга мамлакат. Гап бу ўринда инвесторларнинг ҳамон еврозона иқтисодиётидаги барқарорликка шубҳа билан қараётгани ҳақида бормоқда. Қолаверса, инқироз ҳали якунига етгани йўқ. Унинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган муҳим қарорларни қабул қилиш жараёнида иштирок этувчи мамлакатлар сони эса яна биттага кўпайди. Бу ҳам умумий вазиятга озми-кўпми салбий таъсир кўрсади. Валюта бозоридан фарқли ўлароқ фонд бозорида савдолар ижобий натижалар билан бошланди. Савдолар чоғида автомобилсозлик компанияларининг акциялари баҳоси бироз кўтарилди.

Хориж ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

Валюталар курси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2011 йил 11 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1	163679
1	25439
1	28475
1	44758
1	164386
1	28348
1	1392
1	166445
1	24788
1	53581
1	54679
1	200680
1	104571
1	170419
1	217221
10	1467
10	19791
1	5416
1	20654

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Таъсисчи
«БИРЖА»
Наشريёт уйи
масъулияти
чекланган жамияти

ISSN 2010-5029

« »
Тахрир хайъати
2009 17
— 125
— 160
« »

Телефонлар
— 239-21-96
— 239-22-06
— 239-21-85
— 239-21-92 239-21-85
— 239-21-97
— 239-21-94 239-21-98
— 239-22-67 239-21-45
— 239-22-06 239-20-71
239-83-79()
239-83-89()

Вилоят мухбирлари
— (8374) 225-44-08
— (8369) 746-15-66
— (8436) 223-98-48
— (8361) 353-71-71
— (8366) 234-54-88
— (8373) 212-53-35
— (8362) 211-74-84
— (8375) 221-15-61
— (8375) 321-15-61
— (8376) 521-07-81

« »
« »
« »
: 21:20
: 2210
: 1500